



**БИЗ СИЗГА  
ИШОНАМИЗ,  
АЗИЗ  
ЎЎҒОНЛАР!**

3-бетда



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «TUNON»  
АХБОРОТ-КУТУБХОНА

**Ёшларнинг нимагадир хизмат қилишасиз,  
Бари ўринишларинг беҳудадир**

Ватан туйғуси ҳаммани оёққа тургазди. Агар бирор бир халқ ўз ватани дахлсизлигини сақлай олмаса, бу шу халқнинг фожеаси. Фарзандларимиз қаддини тик ўстириш учун Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур сингари саркардаларимиз ҳаётини ибрат қилиб сингдиришимиз зарур.

5-бетда

**МОДА ОЛАМИДА  
НИМА ГАП?**



8-бетда

# Оила Ва жамият

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

2 (1309)-сон 11 январь 2017 йил  
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

## АРАВАСИНИ ТОРТМАГАН РАХБАР

Ўзига ҳам, жамиятга ҳам наф келтира олмайди



Ахбор Маликов қоллажи

**Гап ҳар бир шахснинг зиммасига юклатилган қонуний вазифа ва бурчлар ижроси ҳақида бормоқда. Менимча, халқ ўртасида оммалашиб кетган ушбу ибора ва тушунчага изоҳ беришга ҳожат бўлмаса керак.**

Фақат Президент Ш.Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу ҳақда айтган фикрларининг мағзини чақишга ҳаракат қилайлик.

– Замон шиддат билан ўзгаряпти, илгарилаб кетяпти, – деди Президент. – Эскича яшаш тарзи билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши даркор. Акс ҳолда, унинг бири икки бўлмайди, жамиятда ўз ўрнини топа олмайди.

Энди мавзуга яқин бир мисол келтириб ўтай.

Самарқанд шаҳридаги истаган иккита ўқув юртини солиштириб кўринг. Бирида иситиш тизими ишлайди, иккинчисида – йўқ. Бирининг ҳовлиси ҳавас қилгулик, иккинчисиники ташландиқ ҳолатда. Бирида ўқувчилар бир хилда чиройли кийиниб келади, иккинчисида бу иш

ўқувчининг ўзига ташлаб қўйилган. Ўқитувчиларнинг кийинишида ҳам шундай фарқ бор.

Бу ҳолат сизга таниш. Энди унинг сабаби ҳақида фикр юритайлик. Тўғри, иситиш тизими катта маблағ талаб этади, аммо муассаса раҳбари аввало, ускуналарнинг шу ҳолга тушмаслик чорасини кўриши, кўп йиллик фаолияти давомида бу пулни йилма-йил жамғариши ёки бюджет ҳисобидан режалаштириши мумкинми?

Ўқувчилар интизоми, одоби, кийиниши билан ҳар куни шуғулланиш лозим. Минг афсуски, раҳбар буни уринбосари ёки бўлим бошлиғига топширган ва назорат қилмаган.

Бу кайфият, табиийки, иш жараёнига таъсир этади. Давоматнинг пастлиги ўқитувчи кайфиятига, раҳбарнинг мажлисма-мажлис юриши ўқитувчи масъулиятига ва ҳоказо. Натижада охири пайтларда ўқитувчининг очиқ дарс ўтиши гўёки қаҳрамонликка тенглаштириб қўйилди. Ахир, у исталган пайтда амалга оширилиши зарур бўлган услуб-ку!

Раҳбарият эса аравасини тортмаётгани ишлатиш ўрнига ижтимоий, маданий тадбирларни, ҳатто услубий семинарларни яхши шароитга эга ўқув юртида ўтказишга одатланган.

(Давоми 2-бетда)

## АРАВАСИНИ ТОРТМАГАН РАҲБАР

ўзига ҳам, жамиятга ҳам наф келтира олмайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўз аравасини ўзи торта олмаслик атрофдагиларнинг гашига тегади. Айрим идоралар ҳудудининг ҳатто олд қисмини ҳашар билан тозалаш бошқа муассасада ишлайдиганларга ёқади, дейсизми? Ҳашар билан бутун бошли кўча ёки туман марказини тартибга келтириш-чи?

Ўша ҳудуднинг аҳолиси қаерда, қани ўша ҳудуд раҳбарлари? Нега ўз аравасини ўзлари тортмайди?

Маблағ етарли бўлиб, йил бошида таъмирлашни режалаштирмаган директорга «раҳм»и келади, кишининг. Мабодо тадбир ўтказиладиган бўлса, мактаб нима учун ҳашар йўли билан тайёрлашни керак? Ота-она ва ҳомийдан пул сўрашга кимнинг ҳақи бор?

Қишнинг ҳозирги совуқ кунларида

иситилмайдиган ўқув юртига бориб кўринг, антиқа ҳолнинг устидан чиқасиз: эшик, дераза тирқишидан елвизак ўтади, дераза ойналари синган. Ҳўш, ана шу ишлар учун ҳам маблағ керакми? Ҳўжалик мудирини тайёр кўмирни қишлоқдошларига «ҳадя» этганидан кўз юмишга «сабр» топан директор эшик-дераза тирқишларини ёпиб чиқишни уюштиришга ҳафсала топмаган.

Бу иллатларнинг асосий сабаби жамоа билан маслаҳат қилмаслик, режаларни пухта ишлаб чиқмаслиқдир. Яшириб нима қиламиз, кўплаб идораларда ходимлар ўз йиллик фаолиятининг режасидан хабардор эмас. Раҳбар муҳр босиб қўйган бундай «хужжат» келаси йилгача сейфдан чиқмайди. Чунки бу режа ижросини сўраш тизими ишламайди. Чунки жамоанинг фикри

сўралмайди, ҳар бир ходим ва раҳбар бир-бирига ўз фаолияти юзасидан ҳисоб бермайди.

Мен ушбу мақолага бежиз ўқув муассасаларини мисол қилиб келтирмадим. Давр нафасини айнан зиёилар теранроқ тушунади ва халққа ҳам тушунтира олади. Ўқув муассасасидаги муҳит эса оилага тез таъсир қилади.

Ҳа, «аравани тортиш» ибораси оилада катта аҳамиятга эга. Китоб, газета ўқимаган, телевизор кўрмаган, улфатчиликдан бўшамайди деган ота-она фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўя олмайди. Яна ўша гап: унинг фарзандлари тарбияси билан маҳалла ва бошқа идоралар шуғулланишади.

Қиссадан ҳисса шулким, ўз аравасини тортолмаганлар доимо кимнингдир (энг аввало, ўғил-қизлари) олдида мулзам, қарздор бўлиб яшайди, бири икки бўлмайди.

Аравангизни тортинг, ҳеч бўлмаганда, тортишга ҳаракат қилинг, биродар.

Фармон ТОШЕВ

## ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАШ – ҲАММАНИНГ ИШИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ота-она ҳамда болаларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ж.Бўриев ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлод камолотида оиладаги соғлом муҳитнинг аҳамияти, ота-она тарбиясининг муҳимлиги, фарзандларимиз келажагининг ёрқин бўлишида бу мўътабар зотларнинг моддий ва маънавий кўмаги, меҳри ҳамда эътибори ниҳоятда зарурлигини таъкидлади. Бироқ ҳаётда гоҳида оиланинг дарз кетиши, ота-она ўртасидаги ажралишлар фарзанд тарбиясига, уларнинг руҳияти ва яшаш тарзига салбий таъсир этиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ота-она ҳамда болаларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш, ота-она ўртасидаги ажралиш ҳолатларининг олдини олиш, фарзандлар тақдир ва бу борадаги жараёнларни назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ана шундай ҳамкорлик натижасида ўтган йилнинг ўн бир ойида 1012 оила ажралишининг олди олинди. Бундан ташқари, алиментдан бош тортаётган фуқароларга чора кўриш, агар у ишсиз бўлса, иш билан таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА



## БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ - ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Фаргона вилояти Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлимида ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

60 ўринга мўлжалланган шифо маскани Соғлом она ва бола йилида мукамал реконструкция қилиниб, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мустаҳкам моддий-техник база яратилгани касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш имкониятини янада кенгайтди.

— Боланинг соғлом ўсиши онанинг тиббий маданиятига бевосита боғлиқ, — дейди болалар бўлими бош шифокори Бахтиёр Мирзаев. — Муассасамиз ходимлари ёш оналарга репродуктив саломатлик, қаҳалоқ парвариши, туғруқлар ораллигини сақлаш, оилада соғлом турмуш тарзини юритиш каби масалалар юзасидан тушунтириш ишларини мунтазам йўлга қўйган.

Муқимжон ҚОДИРОВ (сурат), ЎЗА

## МЕНИНГ ЎҒЛИМ – ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ!

Самарқанд шаҳрида шу ном остида ўтказилган видеомулоқотда Самарқандда ҳарбий хизматни ўтаётган наманганлик ўғлонлар ва Наманганда хизмат қилаётган самарқандлик йигитлар ҳамда уларнинг ота-оналари учрашди. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни олдида анъанавий ўтказилаётган учрашув Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги арафасида янада кўтаринки руҳда ўтди.

Тадбир аввалида Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Раббимова, Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳ.Юсупова барча йигитларни байрам билан қутлаб, юртимизда ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар, ватанпарвар ўғлонларни тарбиялашда оналар зиммасидаги масъулият ҳақида сўз юритди. Шундан сўнг ҳаяжонли дақиқалар бошланди – ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар ота-оналари билан дийдорлашга муяссар бўлдилар. Оналар кўзида севинч ёшлари, ўғлонлар нигоҳи қувончдан порлаган.

— Катта ўғлим ҳам ҳарбийликни танлаган, кичиги унинг изидан бормоқчи, — дейди Қўшработ тумани Тегирмоновул маҳалласида яшовчи Гулчирои Бобоқуллова. — Бугун юртимизда нафақат аскарлар, балки уларнинг оналарига ҳам барча имкониятлар яратилиб, мулоқотлар ташкил этилаётганидан жуда хурсандмиз.

— Ўғлим болалигида ҳарбий хизматчиларни кўрса, уларга ҳавас билан қараб қоларди, телевидение орқали фақат шу мазмундаги курсатувларни кўрарди, — дейди Самарқандда ҳарбий хизматни ўтаётган Анвархон Саидахмадоннинг онаси Ҳабибахон Сулиҳужаева. — Шунинг учун Ко-

сонсой туманидаги коллежни тугатгач, ҳарбий хизматга отланди. Ҳозир ўғлимни кўриб, тўғриси, жуда ҳам фахрланаямман. Аскарлик кийими йигит кишининг кўрки. Уни ҳарбий соҳага қизиқтирган, таълим берган устозларига мингдан-минг раҳмат.

Видеомулоқот давомида фарзандларини катта экранда кўрган ота-оналарнинг кўл силкиб, кўзларидан ёш сизиши, «ана, менинг ўғлим, кўрпясизми!» дея ёнидагиларга фахр билан айтишини кузатаркансиз, ушбу учрашув мазмун-моҳиятни теранроқ ҳис қиласиз. Аскарлар Бекзод Кўчимов, Абдулла Турсунов, Нурулла Парпиевларнинг дил изҳорлари, «Фарзандлар асрайдиган сарҳадларингни» дея шеър ўқишлари иштирокчиларни тўлқинлантириб юборди.

Самарқанд ҳамда наманганлик ҳушовоз хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар иштирокчиларга байрамона кайфият бағишлади. Ушбу мулоқотда иштирок этаётган аскарлар сурати расом Тўлаган Ёрқулов томонидан маҳорат билан қозғога туширилиб, эгаларига топширилди.

Гулруҳ МҲМИНОВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Аскар оналарини шарафламиз» деб номланган тадбир ўтказилди.

## ОНАЛАРИ МЎЪТАБАР ЮРТ БУ

Жиззах вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари, мудофая ишлари бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг оналари, ҳарбий хизматчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга яратилаётган шароит ва имкониятлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Тадбирда ҳарбий қисмлар командирларидан намунали хизмат қилаётган аскар ўғлонларнинг ота-оналарига келган ташаккурномалар ўқиб эшиттирилди.

— Ўғлим Нодирбек аъло даражадаги хизмати учун Ватан ҳимоячилари байрами арафасида қисм командирининг фажрий ёрлиғи билан тақдирланди, — дейди Зомин туманидан И.Алибекова. — Бундан кўнглим тоғдек кўтарилди. Мамлакатимизда ҳарбийларга ва уларнинг оналари, оила аъзоларига кўрсатилаётган алоҳида эътибор учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Санъаткорларнинг Ватан, мустақиллик, тинчлик, она, дўстлик ва мардлик тараннум этилган куй-қўшиқлари барчага завқ бағишлади.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими У.Узоқов сўзга чиқди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,

Шерзод НАЗАРОВ (сурат), ЎЗА



14 январь – Ватан ҳимоячилари кўни

# БИЗ СИЗГА ИШОНАМИЗ, АЗИЗ ЎҒЛОНЛАР!


... Ҳарбийлик қадим-қадимдан, жасур, ёвқур деб баҳоланган, номининг ўзиёқ душманни зир титратган, ҳаёти от устида ўтган аждодларимизнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Бироқ етмиш тўрт йиллик истибдод – қатағонлар, хунрезлик ва хунхўрликлар халқимизнинг ҳарбийларга, ҳарбий соҳага бўлган ишончини, меҳрини сўндирди. Ота-оналар фарзандларининг нафақат ҳарбий бўлишини, балки муддатли ҳарбий хизматни ўташини ҳам истамас эди.



Болалик хотираларимизда қишлоқдош акаларимизнинг ҳарбий хизматга кузатилиши билан боғлиқ “Солдат жўнатди” маросимлари яхши сақланиб қолган. Фарзандини худди урушга кузатаётгандек ҳавотирга тушган оналар, гўё бўйнига бўйинтурук солингандек истар-истамас хизматга отланган йигитлар кўзидаги изтироб ҳали ҳамон ёдимдан чиқмайди. Собик иттифоқ даврида муддатли ҳарбий хизмат номига мос “мажбурий ҳарбий хизмат”га айланган эди.

Истиқлол туфайли озод ва обод Ватанни ҳимоя қилиш энг муқаддас бурч эканини ҳар бир йигит руҳан ва қалбдан тушуниб етди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, ҳарбийлик том маънода шон-шараф ишига айланди.

Ўтган 25 йил давомида Миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан янада такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговар қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий-маърифий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланди.



техника ва технологиялардан фойдаланишни пухта ўзлаштирмоқда.

Ватан ҳимоячиларининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, резервга бўшатишга фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборда. Хусусан, Янги – 2017 йил байрами арафасида ҳам юртимизнинг кўплаб ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Юзлаб ҳарбийларимиз байрамни оиласи билан янги уйларда кутиб олди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзли бўлганга эга бўлмоқда. Бу уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида катта имконият яратмоқда.

– Сурхондарё вилоятида ҳарбий хизматни ўтапман, – дейди оддий аскар Дилшод



Умрзоқов. – Болаликдан ҳарбий бўлишни, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашни орзу қилардим. Бу орзуимга эришдим. Албатта, бу ҳар бир йигит кишининг зиммасидаги муқаддас бурчидир. Уйлайманки, ҳарбий хизмат одамни кўп жиҳатдан чиниқтиради: интизомга, юртни, ота-онани қадрлашга ўргатади, огоҳлик ва сергакликка чақиради.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида “Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта

ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга”, деган эди.

Дарҳақиқат, Миллий армиямиз бугунги осойишта, фаровон ва тинч кунларимиз асраш учун барча имкониятларини ишга солишга қодир.

Ўтган даврда Қуролли Кучлар Академияси, Олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёролаш мактабларининг таълим тизимини янада такомиллаштириш юзасидан кўплаб ишлар бажарилди. Ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини янада ошириш, чет тилларини пухта эгаллаш, илғор таълим жараёнини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаларини ўзлаштириш ва ўқув дастурларига янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш борасида ҳам ўзига хос йўналишлар белгиланиб, амалиётга татбиқ этилди.

Дунёдаги сиёсий вазият, Ўзбекистоннинг ҳудудий жойлашуви ва минтақада ҳукм сураётган нотинчлик бугунги осуда ҳаётимизни асрашнинг талаб этар экан, давлатимизнинг муҳофаза қобилиятини, Миллий армиямизни янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

“Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда. Лекин, зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уришларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз. Шунинг учун мен, халқимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиманки, бу масалада ҳеч қандай ҳеч қандай иккиланиш ва шубҳа бўлмаслиги лозим. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етарли”, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон

Республикаси Президенти лавозимига киришган тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара ва ички қўшинларнинг аскар ва сержантлари, офицер ва генераллари, барча ҳарбий хизматчиларимизга ўзининг ҳарбий қасамёди ва муқаддас бурчига садоқати учун самимий миннатдорлик билдирар экан: “Ишончим комилки, сизлар бундан буён ҳам юксак профессионал маҳорат, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, юртимизда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича ўз ватанпарварлик бурчингизга содиқ бўлиб қоласиз”, деди қатъий ишонч билан.

Биз сизга ишонамиз, азииз ҳарбийлар!

Олимжон ЖУМАОБОВ,  
“Оила ва жамият” муҳбири

# ҲАРБИЙЛАРНИНГ АЁЛЛАРИГА ҲАРБИЙЧА САЛОМ!

Газетамизнинг ўтган сониди Самарқанд вилояти Ургут туманидаги “Тўрткўл” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм хизматчилари оилалари учун олтига уч хонали хонадон фойдаланишга топширилгани ҳақида хабар берган эдик.

Ўтган 25 йил давомида мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар оилалари учун ҳар томонлама қулайликка эга юзлаб ана шундай уй-жойлар қуриб берилди. Ҳар гал шу ҳақда бирор хабар ёки янгилик эшитсам ёки ўқисам ҳарбий хизматчиларнинг аёллари кўз олдимга келади. Жуда хурсанд бўлган бўлса керак, деб ўйлайман. Тўғри-да, ҳарбийлар ўз вазифасини сидқидилдан бажаришлари учун, аввало, уларнинг оиласи тинч, фарзандлари соғлом, рўзгоридан кўнгли тўқ бўлиши керак.

Юртимиздаги ҳар бир оилада бўлгани каби ҳарбийлар оиласида ҳам рўзгор юки кўпроқ аёл зиммасига тушади. Бу табиий. Шу сабабли ҳам ҳарбийнинг рафиқаси бўлиш аёлдан катта масъулият талаб қилади. Бу ҳам аслида, ҳарбий бўлишдек бир гап.

Илгарилари қизлар ҳарбий соҳада хизмат қиладиган йигитларга турмушга чиқишни унчалик ҳам истамас эди. Турмуш ўртоғининг хизмат тақозоси билан ота-она, ақинларидан узокда юриш уларни қўрқитган бўлса керак. Аммо бугун замон ўзгарди. Бинобарин, ҳарбий соҳа ва ҳарбий хизматчилар билан оила қуриш борасида қизларнинг қарашлари ҳам ўзгарди. Энди ҳарбийнинг рафиқаси бўлиш деганда қизларнинг кўз олдида жомадон кўтариб чўлу биёбонларда, тоғу тошларда саргардон яшаш эмас, замонавий, кўркам уйларида тўкин ва фаровон ҳаёт кечириш, турмуш ўртоғининг хизмати сабабли ҳар хил шахару қишлоқларни кезиш, сайр-саёҳат келади. Давлат томонидан ҳарбий соҳага қаратилган улкан эътибор одамларнинг ҳам фикрини ўзгартирди.



Тўғри, турмуш фаровон, беками-кўст бўлгани билан ҳарбийнинг рафиқаси бўлишнинг ўзига яраша машаққати ва албатта шарафли жиҳатлари бор. Машаққатларни масъулият билан енгиб ўтган аёлгина шарафга эришади.

— Ҳаётда инсон зиммасидаги бурчлар кўп. Мендан уларнинг ичиди энг муҳими, энг муқаддаси қай бири деб сўрасалар, Ватан ҳимояси, дея жавоб берардим, — дейди термизлик Махбуба Бурҳонова. — Турмуш ўртоғим Одилжон Алиев муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, шартнома асосида чегара қўшинларида хизматни давом эттирди. Ҳарбий хизматчиға турмушга чиқаётганимда дугоналарим: “Эрингни ойлаб кўрмайсан, турмуш ташвишлари сенинг елканда бўлади”, деганида тўғриси, бироз чўчиган эдим. Ҳақиқатан ҳам ҳарбийнинг аёли бўлиш осон эмас экан. Бирин-кетин фарзандларимиз туғилди. Одилжон акам кўпинча болаларимизнинг туғилган кунларида, ақинларимизнинг тўй-тантаналарида қатнашолмас эди. Яхши кунларни кўяверинг, қизларимиз бетоб бўлиб

қолганида бир ўзим касалхонага олиб борган пайтларим бўлган. Лекин ҳеч қачон афсусланмаганман. Чунки “Дадаси қаерда?” деган саволга “Дадамиз ҳарбий! Ватанимиз чегараларини, бизнинг осойишталигимизни қўриқлаяпти!”, деган жавобни бериш ҳар қандай аёлни ғурурлантиради. Баъзан икки ойлаб уйга келмаган кунлари бўлар эди. Қизларимнинг “дадам”лаб йиғлагани юрак-бағримни ўртаганида: “Сенинг даданг ҳарбий хизматчи! Сен дугоналаринг билан бемалол ўйнашинг, яхши ўқиб, келажакда ақлли, одобли қиз бўлишинг учун даданг чегарамизни қўриқлаяпти”, деб уларни овутардим. Мен бу гапларни ҳозир шунчаки эслайман, лекин ўшандаги ўзимнинг ҳолатим ва қизларимнинг нигоҳлари ифтихордан порлаганини сўз билан ифодаб беришмайман. Дадасининг ишдан қайтиши байрам эди биз учун. Дастурхонлар тузаб, тансиқ таомлар тайёрлардик. Дадаси “Чегара қўшинлари аълочиси” кўкрак нишони, “Чегара қўшинлари йигирма йиллиги” кўкрак нишони ва бир қанча

## Оилам — фахрим

фахрий ёриқлар билан тақдирланган. Ҳаётимдан мамнунман.

— Ҳарбийларга ва уларнинг оилаларига яратилган шарт-шароитлардан беҳад хурсандимиз, — дейди ҳарбий хизматчи Авазбек Жўраевнинг рафиқаси Зумрадхон. — Мен турмуш ўртоғимга “Ҳарбийнинг аёлини ҳар доим хизматга шай бўлиб, ҳар қандай ҳолатга тайёр тургани учун ҳарбий аёл дейиш керак”, дейман. Ҳарбийнинг рафиқаси бўлиш қийин, лекин “Эрим Ватан ҳимоячиси! Ҳарбий соҳа хизматчиси”, деган эътироф олдида барча қийинчиликлар майдалашиб, кўз илғамас нуқтага айланади. Биз андижонликмиз. Хўжайинимнинг хизмат тақозоси билан айна пайтда Тошкент шаҳрида яшаямиз. Шу пайтга қадар ҳар хил жойларни, инсонларни кўрдим. “Юрган дарё, ўтирган буйра”, деган мақол маънисини тушундим. Бошқа вилоятлардаги инсонларнинг турмуш тарзи, урф-одати, маданияти, таом ва пишириқларини тайёрлашни ўргандим. Ҳаётда нима топиб, қандай муваффақиятга эришган бўлсак, ҳаммаси турмуш ўртоғимнинг касби туфайлидир.

Оила, фарзандлар, ақинларининг қувончу ташвишлари билан бирга Ватан тинчлиги, юрт осойишталигининг масъулияти ҳам қайсидир маънода ҳарбий соҳа вақилининг рафиқаси зиммасида бўлади. Оила, ақинлар тинчлиги кўнглига хотиржамлик беради, кишига саодат, кўтаринкилик бағишлайди. Оиласида ҳурмат-эҳтиром топан инсон Ватан олдидаги хизмат бурчини сидқидилдан, мамнуният билан адо этади. Юртимизда кўпларга ибрат бўладиган ана шундай тинч ва бахтли оилалар, айниқса, ҳарбийларнинг оилалари кўпаяверсин.

Умида АДIZОВА,  
“Оила ва жамият” мухбири

**Вазира ИБРОҲИМОВА, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мухбири:**

— Ватан ҳимоячиси, аввало, муқаддас остонасини, жон-жигарларини ва жондан ортқ кўрган суюкли рафиқасини ҳимоя қилиши лозим. Отам ҳамиша хонадонимиз тинчлиги, тўқинлиги ҳақида қайғуради. Якка-ю ягона укам ҳамиша биз, опа-сингилларнинг хавф-хатардан, нопок ниятли кимсалардан йироқ юришимизни истади. Мен учун улар оиламизнинг, мана шундай митти оилалардан иборат бўлган Ватанимиз асл ҳимоячиларидир. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Қўриқчи” шеърисида шундай мисралар бор:

**Алл йигитга термулиб,  
Таскин инар дилимга.  
Шу малак бор юртни у  
Бериб қўймас ганимга.**

Ватан ҳимоячиси деганда, кўз олдимда фақатгина ҳарбийлар эмас, балки элимизнинг ҳар бир мард ўғлини ҳамда ундаги мавжуд жасорат, шижоат ва ғайрати гавдаланади. Уйим-жойим, отам-онам, ёрим дея ёниб яшайдиган юртининг мард ва жасур ўғлонлари бор экан, биз каби қизлар, опа-сингиллар ҳамиша хотиржам яшаймиз. Қалбиди она юрт олдидаги юксак масъулиятни чуқур англовчи йигитларимиз бор экан, диёримиз тинчлиги ва мустақиллигимизнинг абадийлиги бардавом бўлаверди.



**Шохжаҳон МУҲАММАДИЕВ, Ўзбекистон давлат Консерваторияси 3-босқич талабаси:**

— Мустақиллик йиллари Биринчи Президентимиз раҳнамолигида, ҳарбий соҳада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бу диёримиз осойишталиги, халқимиз тинчлигини таъминлашга ёрдам бериши, шубҳасиз.

Ҳарбий оркестрларнинг ҳарбий соҳада ўзига хос ўрни бор десам муболага эмас. Улар мусиқа анъаналарини асраб-авайлаш ва янада бойитишга хизмат қилади, деб ўйлайман. Ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар юртимиз ҳимоячиларининг жанговар қайфиятини сақлашда муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Мен ҳам ёшлигимдан ҳарбийларни кўрсам ҳавас қилардим. Айниқса, Ватанимиз мадҳини куйга солаётганларга ўхшашни хоҳлаганман.

Ўқишни тамомлагач, ҳарбий хизматга бориб келмоқчиман. Кейинчалик эса, ҳарбий оркестрда ишлаш ниятим бор. Қатъий тартиб-қоида, интизомни ёқтирганим учун шу соҳа эгаси бўлмоқчиман.

Ҳарбий қўй-оҳанглари мадҳ этаётган оркестр аъзолари ҳам Ватанин дилида жо қилганлар. Бу улар ижро этаётган қўшиқларда яққол сезилиб туради. Келгусидаги мақсадим — “Қоровул қўшинлари” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Моҳофаа вазирлиги қошидаги ҳарбий оркестр жамоаларида фаолият юритишдир.



**Севара АЛИЖОНОВА, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Халқаро ахборот таҳририяти етакчи муҳаррири:**

— Ҳарбий деганда, кўз олдимга ватан учун ҳар қандай қийинчиликка дош берувчи, кўркам, дадил инсонлар келади. Улардаги бир хислатни жуда қадрлайман. Юрти, халқи ва оиласининг тинчлиги учун кечаю кундуз, иссиқми-совуқ бўлмасин хизмат қиладиган, сира қилган ишларини тилига чиқармайди. Камтар, ҳокимор. Юртимизга кўрган бўлиб, турли ба-лолардан асрагучи ҳарбийлар борлиги учун ҳам кўнглим хотиржам.

Энг шарафли касблардан бири, шубҳасиз, ҳарбийликдир. Юрт тинчлигини сақлашдек ўта масъулиятли ишни зиммага олиш учун эркак киши, аввало, мард ва ватанпарвар бўлиши керак. Одамнинг садоқати ва иродасини синайдиган, айна чоғда тоблайдиган касб, деб биламан. Тарихдаги кўплаб урушлар, энгилли-ларнинг сабаби сотқинликдан келиб чиққанини биламиз. Шу сабабли ҳарбийлиқни танлаш — табиатимдан сотқинлиқни бутунлай ўчираман, фақат юртимнинг манфаати ва тараққиёти учун бел боғлайман, деб ваъда беришдек гап. Касб байрами барча ҳарбийларга муборак бўлсин. Тинчлигимиз йўлидаги олижаноб ишларида куч-ғайрат, сихат-саломатлик тилайман.





14 январь – Ватан химоячилари кунни арафасида Ўзбекистон халқ шоири, эл севган ижодкор Ҳалима Худойбердиева хонадониди бўлди. Албатта, шоирликнинг ҳам ўзига яраша юки ва машаққати бор. Опа билан суҳбатимиз ана шу юкнинг залвори хусусида кечди.

– Ҳалима опа, суҳбатимиз аввалида, бир авлод учун ёд бўлиб кетган, бир авлоднинг тилидан, дилидан тушмаган “Бегим” шеърини эсга олгим келди:

Бегим, Сизни, Худойим расо  
қилиб яратган,  
Кимларнидир ўйчану, сизни  
қилиб яратган...

Бу шеър ҳақида ҳар хил фикрлар билдирилган. Ўзингиз нима дейсиз?

– Бундай шеърлар ўзгача бир галаён билан шоирнинг юрагига бостириб кириб, худди ўшандай куч билан қозғатилилади. Шоир буни хис қилади, аммо шарҳлаб беролмайди. Шеърни шарҳлаш қийин, сингилжоним. Шеърни шарҳлаш эмас, назаримда, фақатгина ўқиш керак. Ўқиганда ҳам юракка етиб борсагина, шеърхонда қониқиш ҳосил бўлади. Мана шундай катта ҳаяжон билан ёзилган шеърлар ўзбек адабиётининг кечасида ҳам, бугунда ҳам жуда кўп, деб айтишим мумкин. Чунки ҳар бир шоирнинг муҳаббат лирикаси бўлади. Бу лирика бошқа шеърлар билан аралашиб кетмайди. Муҳаббат лирикасигина шоирнинг кимлигини бор бўй-басти билан кўрсата олади. Шу маънода мен фахрланиб айта оламан, буюк шоирларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов муҳаббат лирикаси орқали жуда катта сўзларни айтиб кетишган. Муҳаббат лирикаси шоирнинг сирли дунёси.

– Ҳалима опа, кейинги пайтда маза-матрасиз шеърлар, айниқса, Ватан ҳақидаги қуруқ битиклар жуда кўпайиб кетди. Аслида, шеърнинг ортида ўқувчи маънавиятини юксалтиришдек юксак вазифа турмайдими?

– Бутун дунёни унутиб, борлигин билан ўқилиб, столга ўтириб ёзгангидан кейин, ёзганларинг нимагадир хизмат қилмаса, бари уринишларинг беҳуда. Навоий даврларида, кейинроқ Увайсий, Нодирабегим шеърятини ҳақида эсламай ўтишинг иложи йўқ. Айниқса, Бедил шеърятинида сатрлар орқама олди жилдираб оқиб-келиб, инсонни ўзига шундай тортадики, унинг ичига кириб кетганини билмай қоласан. Ҳар бир сатр китобхоннинг юрагига бориб етади, қалбни жунбушга келтиради. Шеър инсонни бирозгина оқибатлироқ бўлишига ёрдам берса, инсонийлигини эсга солиб, юрагини кўтарса, кўрагини кўтарса, ерга қараб

этилган одам қаддини тиклаб олса, мана бундай оламлар ҳам бор экан-ку, деб, фикр юритса, маънавиятга қилган хизмати шу бўлади, шеърятнинг.

– Оила муаммоси сўнги пайтда жиддий муаммога айланиб бормоқда. Хабарингиз бўлса керак, айниқса, Тошкент шаҳридаги ҳолат жамоатчиликда жиддий ҳавотир уйғотди. Шу маънода ижодкор ҳоҳ у шоирдир, ёзувчидир оилавий қадриятларни ёшлар онгу шуурига сингдиришда қандайдир ўрин тутуши керакми?

– Анча йиллар илгари “Энг тоза мева”, деган шеър ёзгандим. Ўша

ёки Нодирабегимни олайлик. У жигарбанди душманга бош эгишини истамайди. Ахдида собит туради. Ёвга поймол бўлгандан кўра, хуру гилмонларга қўшилиб, ҳалол кетишни афзал кўради. Момоларимиз мана шундай мард ва жасур бўлишган. Бугун ҳам улардек ўз мақсади йўлида собитқадам, ҳалол, пок, меҳнаткаш хотин-қизларимиз кўп. Аёлларимиз жуда ҳам катта ишларни амалга оширишяпти. Айтилик, Ўзбекистон қаҳрамони Суйима Ғаниева, ёки доктор, олимпиадаларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

– Ҳозир инсоннинг онгу шуурини эгаллашга уриниш жа-

аввало, фанимиз фидойилари учун хайрли бошланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашиб улардан фикрлар, маслаҳатлар олишлари, ўзларининг тақлифларини беришлари, фан тараққиётида жуда катта ўзгаришларга туртки бўлади, деб ўйлайман. Айниқса, касалхоналарда назорат посбонлари қўйилиши, жойларда “Халқ қабулхоналари”нинг очилиши, назаримда одамларда виждон уйғоқлигини бошлаб юборди. Халқ фаровонлигини кўзлаб қилинган ишларнинг охири хайрли бўлади. У киши жуда оз фурсатда одамларнинг юрагига кириб улгурди. Бу бирданга бўладиган иш эмас. Жуда катта тайёргарликлар билан бўлаётган ишлар. Илоҳим ҳаммаша Аллох кўлласин. Яратган кўллаганини бутун халқ кўллади.

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири:

## ЁЗГАНЛАРИНГ НИМАГАДИР ХИЗМАТ ҚИЛМАСА, БАРИ УРИНИШЛАРИНГ БЕҲУДА

шеърда фарзандидан воз кечган аёл ва онасиз қолган гўдакнинг ҳолати тасвирланган.

Ўшанда Моҳигул қизим билан туғруқхонада ётгандим. Бир аёл янги туғилган чақалогини туғруқхона эшиги олдида ташлаб кетган. Чақалоқ тинмай чинқиб йиғлайди. Аёллар уни овутади, кўкрак тутиб эмизади. Бечора чақалоқ гоҳ унинг, гоҳ бунинг бағрида овуниб, ухлаб қолади. Шеър орқали энг тоза мевани иккита инсон поймол қилди, деган фикрни ёзгандим. Эҳтимол, аёл бу ишни иложсизликдан қилгандир. Аммо уни кечириб қийин. Илойим, бундай меҳрисизлик биздан узоқроқ бўлсин. Мен ўйлайманки, оқибат, бир-бирини тушуниш каби қадриятларни ёшлар онгига сингдиришда ёзувчи ва шоирлар, файласуфлар ҳали кўп тер тукиб меҳнат қилишимиз керак.

– Бугунги аёл кечаги аёлдан нимаси билан фарқ қилади? Хотин-қизларнинг ҳам оиладаги, ҳам жамиятдаги фаоллиги хусусида нималар дея оласиз?

– Тан олиб айтишимиз керак, жамиятнинг ярим юки аёлларимиз гарданнида. Аслида, илгари ҳам бизнинг момоларимиз, оналаримиз фаол бўлишган. Фақат бугунгидек эътибору эъзоз кўрмаган. Мен сизга бир мисол айтмай. Балхда шайх ва шоира Робия яшаган. Жуда нутқи раво, нуктадон, ақлли аёл бўлиб, мажлислардаги нутқлари билан одамларнинг юрагига кириб қолган. Тарихий асарларда ёзилишича, Ҳасан Басрий ҳам шу йиғинларда қатнашиб, ўзи ҳам нутқ сўзлаб юрган. Робиянинг нутқларини берилиб, яхши қўриб эшитишаркан. Негадир анча вақт шоира Робия йиғинларга келмай қолади. Хўшёр Ҳасан Басрий муаммони тушуниб етади. Бир йиғинда нутқ сўзлашдан бош тартади. У ердаги уламолар Басрийдан аччиқланиб, жунбушга келишади. Бу ерда йиғилган уламолар бир оғиз-ақил ҳурматга эга эмасми, ўқинг деб, дўқ-пўписа қилишади. Шунда Ҳасан Басрий уларга жавобан: “Мен филларга, арслонларга аталган донларимни чумолиларга едирмайман”, деб жавоб берган экан.

раёни кетаётган – ахборот хуружи даврида яшаймиз. Ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва уни янада мустақамлаш учун маънавиятга масъул одамлар нималарга эътибор бериши зарур деб ҳисоблайсиз?

– Ватанни асраб туришда айниқса, йигитларнинг хизматлари катта. Йигит омон бўлса, қўрғон саломат, дейдилар устоз Фафур Фулом. Илойим йигитларимизни бошлари тошдан бўлсин. Қилаётган ҳар бир ишларини қўл учиде эмас, юракдан бажарсин. Агар инсон қилаётган ҳар бир хизматини жонини бериб бажарса, Ватаннинг байроғи ҳеч қачон ерга тушмайди. Ватанни севиш, уни асраш ҳар бир инсон олдидаги энг биринчи масала. Ватан туйғуси ҳаммани оёққа турғазди. Агар бирор бир халқ ўз ватани дахлсизлигини сақлай олмаса, бу шу халқнинг фожеаси. Фарзандларимиз қаддини тик ўстириш учун Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур сингари

– Набираларинииз орасида шеърга, сўзга меҳр қўйганлари борми?

– Худого шукр, тўртта фарзандим, ўн та набирам бор. Набираларим бири бирдан ширин. Катта ўғлимнинг фарзанди Мирзо Анвар анча вақт чиройли шеърлар ёзиб юрди. Ҳозир Москвада. Мирзо Анварга атаб ёзган бир шеъримда шундай сатрлар бор:

Ўйкунга назар солдим,  
Болишинг парк парлар.  
Ботирлар ҳам жанг олди,  
Сендек мизгиб оларлар.

Набирам Мадинабону ўзининг ёшига мос кичик-кичик ҳикоялар, шеърлар ёзаяпти. Ундан умидим катта. Катта ўғлимнинг фарзандлари Сардоржон, Моҳинур, Моҳларойим ҳам жуда ақлли, зийрак. Ўйларига меҳмонга борсам, дарров қундаликларини олиб келиб “беш” баҳоларини кўрсатишади. Одамнинг юраги кўтарилиб кетади. Улар биздан кўра кўпроқ нарсаларга эришишяпти. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътиборнинг самараси. Бунинг учун давлатимиздан миннатдор бўлишимиз керак. Бундай яхшиликларни қўриб улгайган ўғил-қизлар Ватанига юраги билан боғланган, туғилиб ўсган масканига, ота-онасига оқибатли фарзанд бўлиб улгайишига ишонаман.

– Ижодий режаларингиз ҳақида тўхталсангиз?

– Аслида, режаларни айтмасдан, кўрсатган яхшироқ, деб ўйлайман. Шундай бўлса-да, сизга бир сирни очаман. Томлик китобларимни яратиш устида фикрлар кетаяпти. Ҳозир шеърларимни тайёрлаш билан бандман. Ўз-ўзидан янги шеърлар ёзиляпти. Гапиргандан ишлаб кўрсатган афзал.

– Ватанимиз посбонлари йигитларимизга байрам тилақларингиз?

– Йигитлар бизнинг суянг тоғларимиз, бош паноҳларимиз. Уларни бежизга қўрғонга қийсашмайди. Ватанимиз қўрғонлари ҳаммаша бардам, бакуват, соғлом бўлишларини истайман. Тўғри, бошқа томонлардан келатган шомоллар бор. Бу шомолларни тўсиш, болаларимизнинг юрагига тегиб ўтмаслиги учун уларни ёшларнинг ҳалоллиққа ўргатайлик. Оиласига меҳроқибатли қилиб ўстирайлик. Оиласида ҳалоллиқни қўриб, катта бўлган ва албатта, Ватанга катта муҳаббат билан қўриқчилик қилади. Жонлари омон бўлсин, йигитларимизнинг.

“Оила ва жамият” муҳбири  
Нигора РАҲМОНОВА  
суҳбатлашди.



саркардаларимиз ҳаётини ибрат қилиб сингдиришимиз зарур. Биз кимнинг авлоди эканимизни фарзандларимиз хис қилсин. Болаларимизни ҳалоллиққа ўргатайлик. Башарти, ғийбат, алдовларга учиб, хаёллари озгина бўлса-да бўлинса, бу ватаннинг бир чеккасига кичкинагина дарз тушди, деган гап. Мана шунга қарши курашимиз керак.

– 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг илк кунларида суҳбатда бўлаяпмиз. Бу йилнинг бошланиши сизда қандай таассуротлар уйғотди?

– Бу йил жуда кўп янгилар ва яхшиликларга бой бўлади, деб умид қиламан. Чунки янги йил энг

# МАРДЛИК НОТАСИ

**Азал-азалдан халқимиз ёвга қарши курашиш учун бирлашиш, бирдам бўлиш, жипслашиш кераклигини таъкидлаган. Миллатнинг ватанпарвар йигитлари бирлашиб, душманга зарба бериш, она ерининг ҳар қаричини асрашга ўзларини ҳозирлашган. Бунда улар қўшиқлардан фойдаланишган. Аскар қўшиқларининг туғилиши шундан бошланган.**

Бугун Франция мадҳияси — «Марселеза»ни кўпчилик энг қадимий аскар қўшиқларидан бири сифатида эътироф этади ва «Рейн армиясининг ҳарбий марши» деб атайдилар. Лекин юртимизда аскар қўшиқлари кенг тарқалганига энг қадимий ёзма ёдгорликлар гувоҳлик беради. Кўпчиликнинг наздида, аскар қўшиқлари гўёки бизга Европа халқларидан кириб келган ва улардан ўзбек йигитлари ўрганишиб, куйлашгандек... Аслида, бундай эмас.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луготит турк» асирида ҳам аждодларимизнинг ҳарбий қўшиқлари учраши, турли жанг эпизодлари тасвирланиши, баҳодирларнинг мардона кураши акс эттирилиши, ўқиганда кишини руҳлантириши юқоридаги мубҳам жавобни бироз инкор этадигандек, назаримда. Яъни, бизда аскар қўшиқлари билан боглиқ тушунчалар аллақачонларданоқ кенг уруғ ёйган.

**Тунла билан кучалим,  
Яшар сувин качалдим,  
Тарнчун сувин ичалим,  
Юкга яғи ўкулсин.**

**Такра олиб аккуралим,  
Аттин тушиб юкаралим,  
Арсланлау кукаралим,  
Куча анин кавилсун.**



**Мазмуни:**  
Туни билан куч йиғайлик,  
Яшар сувини кечайлик,  
Чашма сувидан ичайлик,  
Қочаётган душман тор-мор бўлсин!  
(Душманининг)  
Атрофини ўраб қамал қиламиз,  
Отдан тушиб юғурамиз,  
Арслондек ўқирамиз,  
Унинг кучи қирқилсин.

Ўзига хос ҳарбий тактика: душмани гафлатда қолдириб, қўқисдан ҳужум бошлаш учун тадорик. Қўшиқ жараёнининг ўзидаёқ кейинги ҳолат, давомий ҳаракатлар режаси пухта тузилаёттир. Ҳатто жанг тугагач, ғолиблик тантанаси авжига минган, навкарлар тақдирланган. Ҳамма «қочди сақинч

савналим» («Қайгулар кетди, энди суюнайлик») деб бирваракайига ашулани бошлашган.

Улар қўшиқ айтиши баробарида бирга қадам ташлаш, югуриш-юриш, вақти келганда баравар ҳужумга ўтиш машқларини бажаришган.

**Опкам келиб оградим,  
Арсланлау кўкрадим,  
Алплар бошин тоғрадим,  
Эмди мени ким тутар.**

Бу сатрлар кишини жангворликка, ботирликка, шахтга ундаши табиий.

**Мазмуни:**  
(Душманга) Нафрат билан хезландим,

**Арслондек наъра тортдим,  
Ботирларнинг бошини кесдим,  
Энди мени ким тутар,** — маъносиданоқ шу тобда юрт мудофаасига камарбаста йигитларнинг ҳам аждодлари куйлаган мингйиллик қўшиқнинг давоми, руҳини айтаётгани, ўша рух, ўша қатъият ҳали-ҳануз тилда яшаётгани, ҳар жумлада мардлик, ватанпарварлик тажассумланганини англаймиз.

Умуман олганда, бу қўшиқлар орқали бир жиҳатдан йигитларнинг аҳил-иноқлиги, жипслашиши таъминланган бўлса, яна бир муҳим томони шу қўшиқлар орқали болаларга ватанпарварлик, йигит бурчи сингдирилган.

Чарос БИЛОЛОВА

## NM-5000

## — СОҒЛИКНИ ТИКЛАШДА ҚЎП КЕЛАДИ

Кўпчилик ўз соғлиги ҳақида қайғуради. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам кўп касалликлар келиб чиқиши умуртқа поғонасига боглиқ эканидан хабардор эмас. Умуртқа поғонаси муҳим орган. Шикастланган умуртқа билан ҳаётдан завқланиш қийин. Умуртқа поғонаси асаб тизими билан бевосита боглиқ. «NUGA BEST» компаниясининг Ўзбекистондаги расмий вакили Даврон Инатов шундай дейди:

— Уларнинг кўп функцияли NM-5000 массаж каравоти кўринишидаги жиҳози ва бошқа эффектив профилактик-соғломлаштириш маҳсулотлари ўзбек бозорига кириб келди. Бу жиҳозлар тиббиёт соҳасидаги янгилик ҳисобланади. Самарали соғломлаштириш натижасида:

- таянч-ҳаракат аппарати (умуртқа поғонаси касалликлари);
- юрак-қон томирлари тизими;
- нейроген ва қон томирларидан келиб чикувчи трофик касалликлар;
- стресс ҳолатида (асаб чарчаши) периферик асаб тизими (радикулитлар);
- сурункали чарчаш ва жисмоний ҳолдан тойиш;
- умумий вазн назорати ва ёғ қатламларига танловли таъсир ўтказиш;
- ўсмирлик ва ўспиринлик ёшларида қаддини тўғрилаш;
- гинекология, урология ва бошқа хасталикларга ечим топишда.

«NUGA BEST» NM-5000 массаж каравоти — инсон соғлигини сақлашда янгиликдир. Машхур докторлар «NUGA BEST» каравоти ҳақида ижобий фикрлар билдиришмоқда.

NM-5000нинг ички қисмида табиий қимматбаҳо тошли (турманийли керамика) гилдираклардан ясалган аравача жойлашган. Иккинчи қисмига ҳам компания олимлари яратган турманий керамикасида шолча ўрнатилган. Аравача ҳаракатланиб, умуртқа поғонасининг аниқ бўлимларида тўхтади. Бунда биологик актив ҳудудларнинг қизишига шароит яратилади. Сезилмаган тарзда умуртқа поғонасида чўзилиш содир бўлади. Турманийли гилдираклар массажи вақтида тананинг кўп қисмидаги турли касалликлар ўз шифосини топади. Узун тўлқинли инфрақизил нурланиш умуртқа поғонасини соғломлаштиради.

Ҳарорат қанчалик баланд бўлса, қон айланиши ҳам шунчалик кучли бўлади, органларга кислород ва озуқа етказилиши янада яхшиланади. Натижада танада тозаланиш жараёни бошланади. Одатда тозаланиш жараёни тахминан 40 дақиқага чўзилади.

Мухтасар қилганда, ҳар бир замонавий тиббиёт анжони одамларнинг соғлиғини тиклашга ва дарддан фориг бўлишга хизмат қилмоқда. «NUGA BEST» компаниясининг фаолияти ҳам айнан шунга қаратилгандир.

Зафар АМАНТУРСУНОВ тайёрлади.

Ёрқиной ЭРНАЗАРОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Менинг икки нафар ўғлим бор. Катта ўғлим Беҳрузбек 9 ёшда. Ўғлим ҳ а р б и й бўлишни олдиға мақсад қ и л и б қ ў й г а н . У н и н г



қарори қатъий. Уйда унга юмуш буюрсак, «Хўп бўлади»нинг ўрнига «Ватанимга хизмат қиламан», деб жавоб беради. Ҳар йили 14 январь куни унга ҳарбий либос совға қиламиз. Бирон кўрсатувда ҳарбийларни кўрса, тик туриб, қаддини ростлаб томоша қилади. Турмуш ўртоғим ҳам, мен ҳам таълим соҳасининг вакилимиз.

Менимча, ҳарбийлар тимсолида Ватанга фидойилик, халқига бўлган ҳурмат, мухаббат, ишонч туйғуси намоён бўлади. Уларда касбига бўлган ўзгача садоқат, шижоат ва масъулият муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланади. Ҳарбийларни юксак маънавиятли, фидойи, мард ва жасур қилиб тарбиялашнинг илк босқичи албатта, оилада шаклланади. Ўзбек оиласида азал-азалдан ҳарбийларга муносабат ўзгача. Ҳар бир оилада эзгу амалларни сингдирувчи аллалар, эртақлар, шукроналик қилиб дуога очилган қўллар азалий шарқона одат, ахлоқ-одоб қоидалари ўсиб келаётган болани ватанга фидойи хизмат қилишга ўргатади. Шу боис бўлса керак, кичкина болакайдан: «Келажада ким бўласиз?», деб сўраса, «Аскар бўламан. Ватанимга хизмат қиламан!», деган мардондор, тантанавор сўзларни эшитамиз.

## “ЖАНУБГАЗТАЪМИНОТ” УНИТАР КОРХОНАСИ “НИШОНТУМАНГАЗ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда хизмат қилаётган юрт посбонларини 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан қизгин табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайди.**

**Байрам муборак, азиз ўғлонлар!**

Маълумки, мазкур жамоа аҳолининг суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 3250 та 55 литр ҳажмдаги маиший газ баллонлари билан таъминланиб, 29 та суюлтирилган газ билан таъминлаш шохбчалари фаолият кўрсатмоқда.

Жамоада 84 нафар малакали мутахассислар, 4 та ISUZU русумидаги автомашиналар ёрдамида аҳолига суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилмоқда. Тожинор Жумақулов, Нортожи Мадатов, Ойбек Отаниёзов, Икром Саидов, Одил Абдиев, Шерзод Каримов сингари ходимлар самарали иш олиб бораёттилар.

2017 йил — “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да аҳил жамоа аҳолига намунали хизмат кўрсатиш билан бирга халқ турмуш-фаровонлигини яхшилаш учун бор куч-ғайрат ва имкониятларини ишга солаёттир.



Феруза Акрамова – психология  
фанлари номзоди, доцент:

– Гулнора, бу икки-ланиш келажингизга беъатибор эмаслигингиздан, ақл билан иш кўра олишингиздан, асосийси, ўзингиз ва



яқинларингизга суянган ҳолда тўғри йўлни танлай билишингиздан далолат бермоқда. Тўғри йўл танлашда яқинларингизга суянинг. Отангиз (ёки оилангиздаги яқин одам) Алишер акангизнинг яшаш жойларидан, маҳалладан суриштирсин, биргина хат билан ҳаққоний маълумотга эга бўлиб бўлмайди. Ҳақиқатан, шундай аҳволга тушган бўлса, у билан кўришиб, самимий гаплашиб олганингиз маъқул. Шунда муаммонинг бир томони ойдинлашади. Севги-муҳаббат икки инсоннинг бир-бирига ишончи, уларнинг яхши-ёмон кунларни бирга ўткази олиши билан мукаммал бўлади. Никоҳнинг мустаҳкам ва унинг давомийлигига таъсир қилувчи омиллар ва ришталар бўладики, улар билан оила деб аталмиш муқаддас макон асраб-авайланади. Бу ришта эр-хотин муносабатларида самимийлик, тушуниб яшаш, бир-бирига бўлган ишонч ва томонларнинг турмушда суянчиқ бўла олишларида катта роль ўйнайди.

Дил изхорингиздан шунини тушуниш мумкинки, сиз келажингизни айни пайтда турмуш қурмоқчи бўлаётган инсон (Фарҳоджон) билан боғлай олишга ишончингиз кам. Шунинг учун бошлангичдан бунинг ол-

## КЎНГЛИНГИЗГА ҚУЛОҚ СОЛИНГ, ҚИЗИМ!

ЭСЛАТМА:

1-сон, 04.01.2017

### ТАҚДИР ЎЙИНИГА НЕ ТАДБИР ҚИЛАЙ?

“Севмаган инсон билан оила қуриш нақадар оғир эканлигини бугун юрак-юракдан ҳис этипман. Фарҳод ака мени севиб ардоқлар, аммо мен-чи? Мен уни севолмайман-ку! Ўзимни ҳам, уни ҳам бахтсиз қилиб қўймайманми? Ўйланавериб озиб кетдим. Кейинги кунларда юрагим тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди. Гарчи ўзга йигитга унаштирилган бўлсам-да, Алишер акамнинг муҳаббати билан яшаб келаяпман. Юрагимда умид учқуни бор”.

дини олинг. Масаланинг яна бир томони бор: агар Алишер онасига сиз ҳақингизда ростдан ҳам айтган бўлганида, шу вақт ичида онаси сизга кўнғироқ қилган, ўғлининг бошига тушган ҳалокатдан сизни хабардор қилган бўларди, менимча. Шунинг учун руҳиятингизни қийнаётган ноаниқликка ойдинлик киритиш лозим.

Марҳабо САЪДУЛЛАЕВА, Ҳожи она:

– Ушбу мақолани ўқиб менда ҳам бу ҳақда мулоҳаза билдириш истаги туғилди. Гулнора ва Алишер бир-бирларини севишаркан. Бундан қизнинг онасини хабари борлиги яхши. Бас, шундай экан, она рози Худо рози. Бу ҳолни отасига ҳам ётиги билан тушунтириб, тўғри тўхтатгани маъқул.




Фарҳодга ҳам тушунтириш керак! Икки инсонни бахтсиз қилганидан кўра, бир инсон билан бахтли ҳаёт кечиргани яхшимасми?! Менимча, шу энг тўғри йўл. Бу тақдир азал. Балки бу – қизнинг шунча сабр билан кутгани муқотидир. У ўз севганига етишиб, йигитнинг шароитига, аҳволига кўникиб яшаса, у ўзини энг бахтли инсон деб ҳисоблаши тайин. Гулнора, қизим! Агар сиз йигитни шу аҳволида ташлаб кетсангиз, у ўзини йўқотиб қўйиши аниқ. Ҳозирда

Акс-садо

сиз унга таянч бўлмоғингиз лозим. Шунинг учун кўнглингизга қулоқ солинг, қизим!

Замирахон Билолова, Республика "Оила" илмий-амалий маркази илмий ходими:

– Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар билан реал турмуш ҳар доим ҳам мос келавермайди. Сиз учун ҳозирги ҳолатингизда вазиятга тўғри ечим топиш жуда муҳим. Ҳар томонлама ўйлаб



кўраётганингиз учун, қайси йўлни танлаш сизга қийинчилик туғдирмоқда. Шу боис ёшлар оилани реал ҳаёт билан боғлаб тасаввур қилгани маъқул. Муҳаббатнинг кучига ишониш, уни барча муаммоларнинг калити, деб қараш ёшларга хос хусусият. Лекин бу билан муҳаббатингиздан кечинг ёки унаштирилган йигитга турмушга чиқинг, деган фикр келиб чиқмайди. Сиз вазиятни ойдинлаштиришингиз керак, ҳозирги вазиятда қатъий қарор қабул қилиш ярамайди. Кейинчалик афсусланиб қолмаслик учун ҳозир тўғри қарор қабул қила олишингизда ота-онангизнинг маслаҳатларига қулоқ солинг. Нима бўлган тақдирда ҳам оила муқаддаслигини, уни асраб-авайлаш кераклигини, турмуш чорраҳаларида қандай қийинчилик бўлмасин барчасини сабр-бардош билан енгил мумкинлигини билишингиз ва шунга амал қилишингиз муҳимдир.

## ТАРВУЗ ПЎЧОҒИ ШИФОСИ

Тарвузни кўпчилик хуш кўриб истеъмол қилади. Бу бежиз эмас албатта. Негаки, ушбу полиз экани ошқозон-ичак микрофлорасини яхшилаб, ҳазм жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Шарбатини чанқоқни тез қондирса, пўчоғи ва данагидан турли касалликларни даволаш ва профилактика қилишда фойдаланиш мумкин.

### ҚУРИТИШ

Тарвуз пўчоғини қуритилгач қайнатиб, дамлаб фойдаланиш мумкин. Уни қуришти олиш учун 1 см.кв.даҳат ҳажмда кесиб майдаланади ва қуёш нури тегмайдиган, шамол яхши эсадиган ерда қурилади. Пўчоқ қуририлиб, қуқун ҳолига келтирилиб майдалаб олингач, уни усти ёпиқ идишда бир йилгача сақлаш мумкин.

### ҚАЙНАТИШ

Тарвуз пўчоғи беш дақиқа мобайнида қайнатилади. Сўнгра совитилиб, докадан сузиб олинади. Кунига тўрт марта ярим стакандан ичилади. Бу қайнатма юрак, буйрак хасталикларидан, подагра, ревматизмни бартараф этишга ёрдам беради. Гастрит, ўткир ва сурункали колит ҳамда энтерколит хасталикларидан 100-гр. тарвуз пўчоғи устидан ярим стакан қайноқ сув қуйилиб, бир соат мобайнида қайнатилади. Кунига 4-5 маҳал ярим стакандан ичилади.

### БУ МУҲИМ!

Қандли диабетга чалинганлар бу муолажаларни қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиши шарт. Сийдик йўлидаги ишқорий тошларни ҳайдаш мақсадида қўллаш таққиланади.

Буйрак ва ўт-тош касалликларидан қўйиб ичиш фойдалидир. Тарвузли чой кунига уч маҳал овқатдан йигирма дақиқа олдин ичилади. Бир даво курси 24 кун давом этади. Сўнгра бир ой танаффус қилиб, яна

қўллаш мумкин. Бундан ташқари, ошқозон-ичак касалликларидан, бўйин остеохондрозидан ҳам жуда асқотади.

Бош оғриғида пешона ва чаккага тарвузнинг қалин пўчоғини боғлаб ётиш яхши самара беради. Тарвуз пўчоғи қуқунини овқатдан олдин бир чой қошиқдан тановул қилиб, кетидан ярим чой қошиқ тоза асални 50 мл. қайноқ сувга солиб ичиб юбориш сурункали цистит, нефрит, буйракдаги, қовуқдаги тошларни ҳайдашда қўл келади.

### ДАНАГИ ҲАМ ШИФО

Тарвуз уруғи таркибидаги аргинин аминокислотаси юрак-қон томир тизими ҳамда қон босими билан оғриганлар учун фойдаланилади. У иммунитетни кўтаради ва ошқозон-ичак тизими фаолиятини яхшилайди.

### ГИЖЖАГА ҚАРШИ

Қуритилган тарвуз уруғини қуқун ҳолига келтириб, сут билан аралаштиринг (1 стакан сутга 1-2 ошқошиқ тарвуз уруғи қуқуни). Аралашма гижжаларга қарши самарали таъсир қилади. Овқатдан 2-3 соат аввал 1 стакандан кунига 2 маҳал ичинг. Бу аралашмадан болаларга ҳам беришингиз мумкин, у гижжа пайдо бўлишининг олдини олади.

### ОШҚОЗОН ПАРАЗИТЛАРИДАН ҚУТУЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ

Янги сўйилган тарвуз уруғлари эзиб олинади. Бир литр сувга 100 гр. уруғ солиниб, 45 дақиқа мобайнида паст оповда қайнатилади. Сўнг сузилиб, кунига уч маҳал 200–250 мл.дан ичилади.

### ПЎЧОҚЛИ ФОЙДАЛИ ЕГУЛИКЛАР

Тарвуз пўчоғидан бетакорор мазали мураббозлар, тузламалар, хатто мармелад тайёрлаш мумкин. Масалан, тарвуз пўчоқли мураббонини тайёрлаб кўришингиз мумкин. У шамоллаш билан боғлиқ сийдик йўллари касалликларининг олдини олишга ёрдам беради.

И.СИДДИҚОВ тайёрлади

**Кийиниш маданияти инсоннинг одоб-ахлоқи, урф-одати ва миллий менталитетини кўзгудек намоён этади десак хато бўлмайди. Ҳар бир киши ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда бунга етарлича эътибор беришга ҳаракат қилади. Йил алмашилиши билан кўпчиликда мода оламида янги йилда қандай услубдаги кийимлар урфга кираркин, деган савол пайдо бўлади. Ана шу саволга ойдинлик киритиш мақсадида биз пойтахтимиздаги "Анор" модalar уйи раҳбари, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндори, дизайнер Дилноза Умрзоқовани суҳбатга қорладик.**

— Ўтган 2016 йилда жаҳон мода оламида турфа рангдаги янги намоишлар қўлланилди, — дейди Д. Умрзоқова. — Энг машҳур брендлар ҳам шу кунгача бачкана ҳисобланган ва бир-бирига мос келмайдиган рангларни ишлатишди. Шу йўналишда намоиш этилаётган мода чиқишлари кўп бўлди. Масалан, casual (кейжл) ва классик услубдаги катак газламали кийимга илди тикилган ёки тошлар билан безатилган гулли аппликациялар, бир-бирига мос тушмаган матолар уйғунлигида тикилган либослар... Сиеҳранг ва оч қумушрангдаги матолар қўлланилган. Бу ранглар кам ишлатилиб келинган, асосан, кичик ёшдаги қизларнинг либосларида кўриш мумкин. Урф бўлган эса турли хил оқшом либосларида ҳам қўзатилади. Бу ўзгаришни ҳамма ҳар хил қабул қилди. Очиғини

— Эркаклар либосида яна ўша кўк ранг урфга кирганини кузатиш мумкин. Бироқ, жорий йилда аввалгиларидан фарқли равишда кўк рангининг ўзига эмас, балки унинг бошқача туслари, яъни парвалин, пушти-сифат кўкимтир каби туслари пайдо бўлади. Ўтган йили эркаклар кўйлагининг ёқаси ингичкароқ бўлди, 2017 йилда эса ушбу модани мен кўпроқ кўйлақлар ёқаси узунчоқроқ кўринишга эга бўлган, 60 йиллар-



#### услублар хос бўлади?

— Галстук ингичкароқ, ўртача узунликдагиси шу йилга мос. Қолаверса, принт(расм)лар галстукларда ҳам аҳамият касб этиб, нақшлар билан шарқона тарзда безалганини кўришимиз мумкин. Масалан, қалампир нусха ёки шунга ўхшаш шарқча хос бўлган нақшлар. Рангларини албатта, ёрқин қилиб танланган.

— 2016 йилги мода оламида она ва бола либосининг бир-бирига уйғунлиги урф бўлган эди. Сизнингча, бу мода янги йилда ўз аҳамиятини сақлаб қоладими ёки бошқача кўринишда намоён бўладими?

— Ҳозир бу тенденция жуда кўпчиликка маъқул келди. Эндилкида нафақат она билан бола, балки ота ҳам бу услубга қўшилмоқда. Яъни бу композицияни бирлаштирган ҳолда, оила бирлигини кўрсатиш ва ана шу услуб эгаларининг юқори

#### Ижтимоий тармоқларда



Where are the sparrows? Find out what is making them disappear  
How and why did these common birds disappear?



#### Шухрат Сатторов

Чиндан ҳам, болалик хотираларини ёдга солувчи ўйинқароқ чумчуқлар камайиб кетаётгандек. Ҳатто, баъзи давлатларда улар "Қизил китоб"га ҳам киритилган экан. Бино деворларининг силлиқлашиб бораётгани (чумчуқлар ин кура олмайди), катта қушлар ҳужуми, очик бозорларнинг "ёпик" маркетларга айланаётгани, алоқа радиацияси (ернинг магнит майдонида кўра ҳаракатланувчи чумчуқ алоқа радиацияси туфайли манзилни топа олмайди) ва бошқа сабаблар туфайли улар қирилиб кетишаётган экан. Гёте юрган йўлида гул уруғларини сочар экан. Сиз ҳам ора-чира чумчуқларга дон-дун селип тулинг.



#### Мансур Алимов

Юқори қаватда яшайдиганлар балкон ташқарисига шу қушлар учун уя ясаб қўйишса, бу оз бўлса-да, популяцияни сақлаб қолишга имкон беради. Батафсил йўл-йўриқни шахсан ўзим кўрсатишим мумкин



#### Гули Ҳакимова

Шухратжон, чумчуқлар ҳам меҳрга зор. Меҳр бор жойда улар ҳам пайдо бўлишади. Қадрли инсонларимиз бизга кишининг изгиринли қўнлариде қушларга дон беринг, биз ёрдам бермасак улар емакни қаердан топишади деб ўқитишарди. Ҳозирги кунда биз ҳам фарзандларимизга худди шундай тарбия берамиз. Ўз навбатида қушлар ҳам қараб турмайди: ёзда қурт-қумурсқаларни йўқ қилишда бизга ёрдам беради.

Ҳаётда ўзимиз сезмайдиган хатоларимиз кўп. Ўша хатолар ортидан ўзимиз ҳам, атрофимиздагилар ҳам, баъзан жониворлар ҳам кўп мусибат чекади.



#### Ижодкор Ўз

Биз отни эгар-жабдуғи эмас, кучи ва чоққирлиги учун мақтаймиз. Нима учун бир одамга баҳо беришда ҳам шундай йўл тутмаймиз? У бойбадавлат бўлиши, ҳашаматли уйда яшashi, катта даромад ва обрў-эътибор соҳиби бўлиши мумкин. Лекин буларнинг барчаси унинг зоҳиринигина ўраб олган нарсалардир. Унинг ботинида нима бор? От сотиб олаётганингизда, албатта, унинг устидagi аслаҳа-анжомни олиб ташлаб, табиий ҳолатига назар ташлайсиз. Нима учун одамга баҳо беришда уни ўраб турувчи ташқи зийнатларни мустасно этмайсиз? (Монтен)

## МОДА ОЛАМИДА НИМА ҒАП?

ёхуд урфга кириши мумкин бўлган либос услублари ҳақида...

айтганда, мода оламидагилар таваккал билан иш қўришади. Яратган ижод маҳсулимиз кимгадир ёқса, бошқа бировга маъқул келмайди.

Мазкур йилда баҳор ва ёз мавсумида оч рангдаги кийимлар урфга киради. Сарик, яшил, сиеҳранг, кўк, қизил, қулранг ва шунга ўхшаш рангларнинг оч тусли матолари, ҳар хил аксессуар, аппликация ва деталлар билан бойитилган ялтироқ либослар кийиш анъанаса айланди. Масалан, пойабзал, сумка, юбка, кўйлақ ва ҳаттоки кундалик кийиладиган либосларда пушти, қумуш ёки шу каби рангларнинг ялтироқ зар билан ишланган тури урф бўлиши кутилмоқда. Бу либослар, нақшинкор безаклар инсон кайфиятини кўтарди. Шунингдек, турли хил бичимларнинг янгича кўриниши — классик кийим бичимини олаётганда енг қисмини спорт услуби, тепа қисми классик, шими эса спорт услубида тикилади. 2017 йили классик услубда тикилган либосларга нафақат спорт услубининг аралашувини, балки тери ёки бўлмаса романтик кўринишдагилари учрайди. Янги модани, дизайнерлар таклифларини мутахассислар жуда яхши баҳолашмоқда.

— Эркаклар учун қандай либослар урф бўлади?

да урф бўлган либосларга ўхшатдим. Ушбу либослар ўтган йилнинг услубини сақлаб қолаётган бўлса-да, ранглари ва албатта ёқасининг ўзгача янги кўринишда намоён бўлаётгани билан фарқланади. Ўтган йилги модада эркаклар шимининг бичими бир оз торроқ бўлган эди. Жаҳон модасининг дизайнерлари томонидан билдирилган таклифларни ҳам кузатишим мубайнида бу услуб жорий йилда ҳам сақланиб қолишига амин бўлдим. Ёзги мавсумда калтароқ бўлган шимлар урфга қиради. Шимнинг торроқ ва калта қилинган сабабли костюмларнинг бичими узунроқ кўринишда тикилади. Ўйлаётганимиз, бундай ўзгача услуб кўпчиликка маъқул келади. Эркакларнинг кўрткалари эса чарм ёки шунга ўхшаш қалин матолардан тикилади, урфда эса унинг кўринишларини кузатамиз. Масалан, баҳор мавсумида кийиладиган кўрткаларни тафта матосидан тикилганини кузатдим ва бу таклифлар мутахассисларга ҳам жуда маъқул келди. Бунинг қайсидир деталлари бизга тейиз ва классик услубларни эслатади. Шунингдек, принтлар ҳам моданинг бир бўлағи бўлиши кутилмоқда. Принтлар деганда либосларга, у кўртка бўладими, футболка, кўйлақ ёки костюмга бирон ниманидир расмини тушириш назарда тутилади. Шу ўринда айнан мана шу услубдаги менга ёқмаган жиҳатни айтиб ўтмоқчиман. Гуллар расмини эркаклар кийимларида туширишаётгани ғалати кўринди, назаримда, бу Фарбдан ҳам ўзиб кетиш... дегандек гап.

— Эркаклар галстукларига қандай

дидли эканини намоён этиб туриш мақсадида мазкур урфга янгиликлар киритилиб давом эттирилди. Болалар кийимларида ҳам ҳар бир дизайнер ўзининг яратувчанлигидан келиб чиқиб, турли хилдаги либослар намоишини таклиф этди. Ранглар катталарнинг кийимларида қўзатиладиган, болаларникида ҳам худди шу тарзда ўзгарганини кўришимиз мумкин. Ялтироқ ранг урфда бўлгани кичик ёшдаги болалар либосига жуда мос келади ва биз дизайнерлар миттивойлар кийимини аксессуарлар билан бойитамиз. Шунинг учун ҳам либослар орасида энг қизиқарли ва киши эътиборини жалб қиладигани болалар кийимлари ҳисобланади.

— Биламизки, мода ўзгарувчан. Аммо, у вақт ўтиши билан маълум даврлардан кейин инсонларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда яна қайтиб келаверади, яъни қайтадан урфга айланиши мумкин. Бундан бир неча йиллар аввал урфга кирган услублардан ҳам кўчирма нусхалар олинаётими?

— Айнан мана шу гапнинг исботи сифатида гафри услубидаги либосларнинг 1990 йилларда мода бўлгани ва эндилкида, 2017 йил яна қайтадан урфга кирганини келтиришнинг ўзи киёф қилади. Бугун гафри техникаси кўпгина либосларда ишлатилмоқда. Энг машҳур брендлар айнан мана шу техникадан фойдаланганини кузатганим учун ўтган йили ноябрь ойида ўтказган ўзимнинг навбатдаги коллекциямда гафри услубидаги либослардан фойдаландим. Тахлалардан иборат гафри услубида тикилган кофта, кийимларнинг ёқалари, юбка ва кўйлақлар 2017 йилда ҳамма учун сеvimли, урфдаги либослар қаторидан жой олишини умид қилиб қоламан.

Ширинхон МҲМИНОВА суҳбатлашди.

#### Оила Ҷамияти

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси — 176

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва oilаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

#### МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 126. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 8082. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти — 15:00 Топширилди — 15:00

Бош навбатчи: У. Ализова  
Навбатчи: И. Сиддиқов  
Мусахҳих: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5